

Қуръонни қалбимиз баҳори этгин!



17:00 / 05.03.2022 2205

Барчамиз биламизки, Қуръони Карим Фотиҳа сурасидаги «Алҳамдулиллаҳи роббил ʔаламийн» ояти билан бошланади.

Бу ўринда кўпчилигимизга маълум бўлмаган бир ҳолат бор. Демак, Қуръони Каримни тўрт рубъга, чорак қисмларга ажратсак, кўрамизки, ҳар бир рубъ «Алҳамдулиллаҳ» лафзи ила бошланар экан!

Биринчи чоракнинг бошланиши:

«Алҳамдулиллаҳи роббил ʔаламийн», (Фотиҳа сураси, 1-оят).

Иккинчи чоракнинг бошланиши:

«Алҳамдулиллаҳиллазий холақос самавати вал арзо ва жаъалаз зулумати ван нуур...» (Анъом сураси, 1-оят).

Учинчи чоракнинг бошланиши:

«Алҳамдулиллаҳиллазий анзала ʔала ʔабдиҳил китаба ва лам яжъал лаҳу ʔиважа», (Каҳф сураси, 1-оят).

Тўртинчи рубънинг бошланиши:

«Алҳамдулиллаҳи фатирос самавати вал арзи ва жаъилул малаикати
русула....», (*Фотир сураси, 1-оят*).

Сенга Роббим, Сен рози бўлгуниг қадар ҳамд бўлсин! Аллоҳим, Қуръонни
қалбимиз баҳори этгин!

Манба: arabicuz